SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 19-sentabr • Seshanba • 111 (27.603) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan





## ҚИШЛОҚДАГИ ЯНГИ, МУҲТАШАМ МАКТАБ

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш борасида Андижон вилоятида ўтган 2005 йилда 3 та янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ана шулардан бири Қўрғонтепа тумани Мукир қишлоғидаги 22-умумтаълим мактабидир. Ҳозирги кунда бу ерда 309 нафар ўқувчи ўзбек ва қирғиз тилларида таълим олмоқда.

Жаҳон андазалари даражасида қурилган ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган янги мактаб биносида ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, компьютер ва лингафон зали, 50 ўқувчига мўлжалланган ошхона, маънавият ва маърифат, тиббий кўрикдан ўтказиш хоналари ҳамда спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

Мактабда дарслар бир сменада олиб борилиб, химия, чизмачилик ва инглиз тили фанлари чуқур ўргатилади.

***Суратларда:*** *химия фани ўқитувчиси Маъруфжон Турдиқулов ўқувчилар билан машғулот пайтида; лингафон хонасида инглиз тили ўқитувчиси Мушарраф Абдуқодирова дарс ўтмоқда; мактабнинг умумий кўриниши.*

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**



## РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

**16 сентябрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлашга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур кенгаш раиси Ш.Мирзиёев бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, бирлашма, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини ошириш борасида қилинаётган ишларнинг аҳволи танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилди. Бу борада жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси А.Хўжаев, оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази бошлиғи О.Зарипов, маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Ш.Икромов, Андижон, Хоразм, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳокимлари — С.Бегалиев, И.Бобожонов, М.Нурмуродов, И.Нажмиддинов, Ш.Нурматов, М.Куччиев ахборотлари тингланди.

Президентимиз қарорига мувофиқ, Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди. Ҳар икки тузилманинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб берилди. Эндиликда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борса, Республика Маънавият тарғибот маркази ўз фаолиятини амалий тарғибот йўналишига қаратади.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўрилди. М.Ҳожиматов Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, М.Қуронов Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари этиб тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Р.Шамшиев, Х.Султонов, Ш.Миноваров иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ЯНГИ КЛИНИКА ИШ БОШЛАДИ

Қадим Бухоронинг кунчиқар дарвозаси ҳисобланган кўҳна Когон шаҳри мустақиллик шарофати ила янгича қиёфа касб этаётир. Яқинда шаҳарнинг соҳибқирон Амур Темур номи билан аталадиган кўчасидаги эски поликлиника биноси қайта таъмирланиб, бу ерда хусусий клиника иш бошлагани фикримиз далилидир.

— Бир неча йилдан буён ташландиқ ҳолда ётган бу бино, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Ҳаким Файзиев, — партиямиз фаоллари уюшган «Файзмедсервис» масъулияти чекланган жамоаси томонидан қайта реконструкция қилинди. Уни замонавий кўринишга олиб келиш ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга 160 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Мазкур масканда бир йўла 30 нафар бемор қабул қилиниб, даволанади.

Бош врач Зулфиқор Қурбоновнинг таъкидлашича, бу шифо масканида 25 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилаётир. Беморлар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МИНТАҚА ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

### Пекинда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби хитой тилида чоп этилди

**Асарнинг тақдимот маросимида ХХР Ташқи ишлар вазирлиги, ХКП Марказий қўмитаси халқаро алоқалар бўлими, Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг ташқи ишлар қўмитаси, Хитой халқ хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти, Хитой халқ дипломатияси жамияти ва қатор ташқи сиёсий таҳлил марказлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари қатнашди.**

Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчиси Н. Юсупов Хитойнинг китобни нашр этишда иштирок этган ташкилотларига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президентининг мазкур асари Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти олимлари томонидан хитой тилига таржима қилиниб, Хитой замонавий халқаро муносабатлар институтининг «Шиши чубаньше» нашриётида чоп этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоев сўзга чиқиб, йиғилганларни китобнинг мазмуни, юртимиз давлат бошқаруви, демократик институтларни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қўлга киритган ютуқлар билан таништирди.

Учрашувда сўзга чиққан ХХР ташқи ишлар вазири ўринбосари Цяо Цзунхуай давлатимиз раҳбарининг асарига юксак баҳо бериб, хитойлик китобхонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз эканини таъкидлади. У Ўзбекистон халқи истиқлолнинг 15 йиллик даври мобайнида Президент И.А.Каримов раҳбарлигида давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида катта муваффақиятларга эришганини қайд этди. «Хитой Ўзбекистонга яқин қўшни ва дўст сифатида бундан беҳад мамнундир», — деди Цяо Цзунхуай.

ХХР Давлат кенгаши ҳузуридаги Тараққиётни тадқиқ қилиш марказининг Европа ва Осиё ижтимоий тараққиёти институти директори Ли Фэньлиннинг фикрича, Президент И.А.Каримов асарининг аҳамияти Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг тушунтириб берилгани, мамлакатнинг тинч тараққиёт йўлидан бориш тўғрисидаги қатъий қарори ифодалангани, Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг, хусусан, ХХРнинг ишончли шерик сифатида юксак баҳоланганида намоён бўлади. «Китобнинг хитой тилидаги нашри кенг китобхонлар оммасига Ўзбекистонни янада яқинроқ таништириш имконини беради», — дейди эксперт.

Хитой ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари Мэн Цинхай китобда баён этилган Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва дастурлар муҳимлигини қайд этди.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар институти вице-президенти Цзи Чжиье маърузасида эса Ўзбекистон раҳбариятининг 2005 йилда терроризм, айирмачилик ва экстремизмни бартараф этишга қаратилган қатъий чоралари юртимизнинг самимий дўстлари томонидан тушунилгани ва қўллаб-қувватлангани таъкидланди. «Россия, Хитой ҳамда барқарор тараққиёт сари интилаётган бошқа мамлакатлар ўзбек халқини ёқлаб чиқди», — деди у.

— Китоб биз учун Ўзбекистонда кечаётган ривожланиш ва ислоҳотлар жараёнини янада чуқурроқ англаб етиш учун яна бир кўприк бўлди. У ўзбек халқи қалбига кириб бориш имкониятини яратиб, Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва тараққиёт муаммоларини кенгроқ тадқиқ этиш учун йўл очади, — деди ХХР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой замонавий халқаро муаммолар институти етакчи мутахассиси Ши Цзэ ўз чиқишида. — Ушбу асар туфайли биз Ўзбекистон халқининг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга масъул экани, чин кўнгилдан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганини англаб етдик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ижрочи котиби ўринбосари С.Нарисов китобда Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласидаги аниқ ёндашуви ўз ифодасини топганини қайд этди. «Мамлакатнинг ушбу ташкилот фаолиятидаги кенг иштироки, унинг раҳбарияти минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга, ўзаро ишонч ва тинчликни мустаҳкамлашга, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганидан далолатдир», — деди у.

Тақдимот иштирокчиларида Президент И.А. Каримов асарида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари истиқболларининг баён этилгани алоҳида қизиқиш уйғотди. Улар мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини янада фаоллаштиришдан манфаатдор эканини билдирдилар.

**«Жаҳон» АА**

*Пекин*

• **ЎзХДП ҳаёти**

## ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ

### ва у билан мулоқот қилишнинг энг мақбул йўлларидан бири оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишдир

**Демократик жамиятда ҳар қандай ташкилот ўз жамоатчилиги билан мунтазам алоқа қилиб туриши ғоят муҳим. Худди шунингдек, сиёсий партия, унинг турли даражадаги депутатлик гуруҳлари ҳам, сайловчилари, қўллаб-қувватловчилари, суянадиган қатламлари билан доимий мулоқотда бўлмоғи лозим.**

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати партия дастурий мақсадларини ўз электорати орасида кенг тарғибот қилишда ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг партия ижтимоий мақсадларини амалга оширишда ОАВ билан ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланди. Унда ХДП Тошкент вилоят ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

**Сирожиддин АЪЗАМОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:**

— Оммавий ахборот воситалари орасида бизнинг биринчи ҳамкоримиз «Ўзбекистон овози» газетасидир. Унда эълон қилинаётган мақолалар, давра суҳбатлари, хабар, репортаж ва лавҳалар орқали вилоят партия ташкилотлари ҳаётини чуқурроқ ёритишга интилмоқда. Шунингдек, бу жараёнларга «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

2-бет



## «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

Ўзбекистон жамоатчилиги Рим Папаси Бенедикт XVI томонидан жорий йилнинг 12 сентябрида Германиянинг Ренсбург шаҳридаги университетда ислом дини ва Муҳаммад пайғамбарга нисбатан билдирган фикрларини норозилик билан қабул қилди.

Бундай чуқур ўйланмаган ва масъулиятсиз баёнот нафақат Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро тушунишга зарар етказиши, балки бутун дунёда динлараро қарама-қаршилик ҳамда экстремистик чиқишларнинг кенгайиб кетиши ҳолатларини вужудга келтириши мумкин.

Ислом оламининг машҳур намояндаларидан бири, бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ўз ҳадисларидан бирида шундай деб ёзган эди: «Ўз жаҳлини енга олган киши кучлидир».

Фақат ўзаро ҳурмат ҳамда динлар ва халқлар ўртасидаги бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш, одамларда эзгулик ва тинч-тотувлик туйғуларини тарбиялашгина бугунги дунёни сақлаб қолиши мумкин, деган асосий ғояга таянган ҳолда Ўзбекистон жамоатчилиги Понтифик Бенедикт XVI вазиятга ойдинлик киритиши ва бундан кейин ана шундай ҳолатлар юз бермаслиги учун барча зарур чораларни кўришига умид билдиради.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ – BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган



Нотиқлар сўзлари диққат билан тингланди

# ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ

## ва у билан мулоқот қилишнинг энг мақбул йўлларидан бири оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишдир

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Кейинги бир йил давомида партиямизнинг Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳам ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораяпти. «Ахборот» ва «Пойтахт» инфармацион дастурлари биз ўтказаётган тадбирларни тезкорлик билан телетомошабинларга етказиб бераяпти. Бу борада биз партия мавзусида телетомошабинларни қизиқтирадиган репортаж ва лавҳалар тайёрлаётган журналистлар билан ҳар доим ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

**Насимқул КАРИМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган бир неча фармон ва қарорлари эълон қилинди. Яқинда эса Юртбошимиз «2007-2010 йилда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекдилар. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ХДП электорати манфаатлари нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга. Партия ташкилотлари уларнинг ижроси устидан мониторинг олиб бориши лозим. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Маҳаллий ҳокимликлар барча жойда ҳам ишни тўғри ташкил қила оляптилар, деб бўлмайди. Қаердаки камчилик, нуқсон бўлса маҳаллий ҳокимлик буни кўрмаётган, кўз юмаётган бўлса, уни албатта ХДП ташкилотлари, ОАВ кўриши керак. Материаллар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш зарур, деб ўйлайман. Бу ОАВ аудиторияси, ХДП электорати нуқтаи назаридан ҳам қизиқарли бўлади. Муаммонинг ечимига туртки беради.

**Гулистон АННАҚЛИЧЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Матбуотимиз ўз диққат-эътиборини қаратиши лозим бўлган яна бир муҳим масала борки, бу халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятидир. Афсуски, бу борада гуруҳларнинг фаолиятида ҳам, матбуотда ҳам изчиллик кўринмайди. Бу албатта партиямизнинг аҳоли қатламлари орасида олиб бораётган ишларини амалга оширишда муаммолар келтириб чиқаради. Бу масалани ёритишда ҳам матбуотимиз орқада қолмоқда. Агар ушбу йўналишдаги фаолиятни матбуот атрофлича таҳлил қилиб, танқидий муносабат билан чиқса, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари раислари бу вазифаларга жиддий ёндошган бўларди, деб ўйлайман.

Партиямизнинг сўл сиёсий ғоялари, мухолифатдаги партия сифатида кўтараётган масалалари, мафкуравий йўналишлари электоратимизнинг қуйи қатламига етиб бормаяпти. Бу ўринда вилоят ва туман нашрлари, радио, телевидение етарли мақолалар, суҳбатлар, эшиттиришлар ташкил қила олмаётганлигини айтиб ўтиш керак. Партия фаолиятига тааллуқли махсус саҳифалар, эшиттиришлар кам. Бўлса ҳам аҳолига тушунарли эмас. Айниқса, туман нашрларида бу мавзудаги материаллар кичик хабарлардан иборат бўлиб қолмоқда.

**Рустам АКБАРОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент тумани кенгаши раиси:**

— Замон шиддат билан ўзгариб бораяпти. Кечаги айтилган гаплар бугунга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилганда бугуннинг гапини гапириш керак. Чунки, биз бу минбар орқали ўз электоратимиз билан ишлаймиз. Сиёсий партиянинг жамиятда кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши эса унинг етакчилари халққа айтаётган фикрларига боғлиқ.

*Анжуман хилма-хил фикрларга бой бўлди. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Тошкент ҳақиқати», «Бўстонлиқ овози» газеталари бош муҳаррирлари Сафар Остонов, Феруза Жабборова, Убайдулла Миршоҳидов, Обидхон Исманов, халқ депутатлари Оҳангарон туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раиси Бахтихон Мадаминова, ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси раиси, Тошкент вилоят Кенгаши депутати Дилором Салимова, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Пойтахт» дастури катта муҳаррири Феруза Муҳаммаджонова ва бошқалар ҳам кўтарилган мавзунинг долзарблигини таъкидлаб, ўз мулоҳазаларини айтдилар.*

*Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳамда ОАВнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.*

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**Шавкат АКРАМОВ**
**(суратлар)**



Партия аъзоларидан бир гуруҳига янги гувоҳномалар топширилди

# БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

## Сурхондарё вилояти Қумқўрғон ва Сариосиё туманлари деҳқонлари республикамизда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартномавий мажбуриятларини адо этдилар. Қумқўрғонликлар 27 минг тонналик хирмон яратиб, гектаридан 29 центнердан ҳосил олишди. Сариосиёликлар эса 17 минг тонналик «оқ олтин» етиштиришди

Деҳқон заҳматини таърифлашга лойиқ сўз топишнинг ўзи мушкул. Боиси, ғўзанинг пишиб пахта бўлиши учун сахий она табиатнинг қуёшли кунлари-ю деҳқонларнинг қалбқўри, меҳри, шижоати, қадоқ қўлларнинг вобасталиги тақозо этилади.

Бугун қумқўрғонлик ва сариосиёлик пахтакорларнинг димоғи чоғ, кайфиятлари аъло. Сабаби заҳматли меҳнатлар самараси — меҳнат ғалабасига эришилди. Чунки, биринчи теримни охирига етказмай туриб 15-20 кун ичида ана шундай ғалабага эришиш ҳақиқий меҳнат натижасидир.

— Туманимиз деҳқонлари пахтадан бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар, — дейди туман ҳокими Н.Чориев. — Бу ҳосилдорлик меҳнаткашларимизнинг далага, ғўзага берган меҳри самарасидир. Энг муҳими Президентимизнинг қишлоқ-хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги ғамхўрликлари — ерни ҳақиқий деҳқонларга берилганининг натижасидир. Бу йил пахтанинг ўзидан 9 миллиард 600 миллион сўмдан ошиқ даромад олиш кутиляпти. Рентабеллик даражаси эса 14 фоизни ташкил этади.

Туманда 500 дан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд. Уларнинг аксарияти аллақачон шартнома режасини уддалашган. Бор-йўғи 5 иш кунида 218 тонна пахта ўрнига 220 тонналик хирмон уйилди.

Эркин Бўриев «Ёш ғайрат» фермер хўжалиги раҳбари:

— Шу ер меники, элимизнинг риск насиба манбаи деган туйғу, баландпарвоз гап эмас. Туманимиздаги юзлаб фермерлар ўзаро беллашиб, баҳслашиб меҳнат қилишмоқда. Бу баҳс, бу беллашувлар деҳқонлар учун ҳам муваффақият, ҳам катта даромад келтиряпти. Мисол учун, жорий йилда бизнинг фермер хўжалигимиз 50 миллион сўм даромад оляпти. Айтинг, ўзбек деҳқони қачон ана шундай ёруғликка чиққан? Қачон миллионлаб даромад кўрган? Бу ҳаммаси мустақиллик берган саодат эмасми?

Ҳа, деҳқоннинг ёруғ йўли, ҳалол меҳнати туфайли бугун қишлоқларимиз қайта чирой очяпти, иқтисодимиз мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир хонадонда тўй, яхши кунлар нишонланаётир.

— Ҳозирнинг ўзида биз 3 миллиард сўмга яқин пахта сотдик, — дейди тумандаги илғор жамоалардан бири Сафар Бойматов номли ширкат хўжалиги раиси Туроб Жумаев. — Демак, 1 ярим миллиард сўмдан зиёдроқ соф даромад олиш имкониятимиз бор. Бундан ташқари, 1300 тонна ҳосил уруғликка қабул қилинди. Шундай, пахтачилик энг сердаромад соҳа деб бежиз айтилмайди. Соф даромад ҳам 2 ярим миллиард сўмдан ошиқ бўлиши кутиляпти. Гарчи, режа уддаланган бўлсада, терим сурати сира пасайган эмас. Бунга тижорат банклари томонидан терим пулининг ўз вақтида тарқатилаётгани ҳам айни муддао бўляпти. Шу кунгача туман бўйича 1 миллиард 800 миллион сўм нақд пул теримчилар қўлига тегди. Туман пахтакорлари яна 4000 тонна пахта топширишмоқчи.

Умуман, бу йил Сурхон воҳаси далаларида ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирилди. Шунинг учун ҳам вилоят пахтакорлари ҳали сентябрнинг 20 куни келмасданоқ яқин пахта тайёрлаш режасини қарийб 70 фоизга уддалаб қўйишга эришди.

Сариосиё тумани деҳқонлари эса 5 минг 695 гектар майдондан 17 минг тонна хомашё етиштиришди. Бу муваффақиятда «Нурафшон-давр», «Бойбўри-агро», «Қорабой Саид», «Дашнобод боғлари» каби фермер хўжаликлари ҳиссаси катта бўлди. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик 40-45 центнерни ташкил этди.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ**
**«Ўзбекистон овози» мухбири,**
**Бахтиёр АЛИҚУЛОВ журналист.**

● **Тадбир**

# УЛАРНИНГ ҲАМ УЛУШИ БОР

## Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги «Юрак ва асаб касалликлари» сиҳатгоҳида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқарувининг навбатдаги V пленуми бўлиб ўтди

*Пленумда мамлакатимизда истиқомат қилувчи кўзи ожиз ва кўриш қобилияти суст фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда жамиятнинг кейинги даврдаги равнақини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Кўзи ожизлар жамиятининг минтақавий вакиллари, жамият фаоллари иштирок этган мазкур йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг 2006 йилдаги иқтисодий-молиявий, маданий-маърифий ва спорт ишлари, келгуси йил режаларига киритилган дастур лойиҳасини муҳокама қилдилар.*

**Ёқуб ЖАВЛОНОВ,**
**Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви раиси:**

— Таҳлилий кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги пайтларда бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Бу мамлакатимизда ногирон ва жисмоний жиҳатдан имконияти чегараланган фуқароларга кўрсатилаётган эътибор самарасидир. Ана шу эътибор боис ногиронлар, хусусан, кўзи ожизлар ҳам ижтимоий ҳаётда ўз ўрни, ўз овозига эга бўлишаётир энг муҳими, жамиятнинг умум тараққиётига ўз улушларини қўшмоқдалар.

**Лазиз РУСТАМОВ,**
**Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари:**

— Республикамизда кўзи ожиз ногиронлар ишлайдиган 50 та махсус ўқув ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Уларда 2500 нафарга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган бўлса, шулардан 1500 нафари кўзи ожиз ногиронлардир.

Корхоналаримизда асосан тўшак, кўрпа, ёстиқ, чойшаблар тўпламиi, пахтали ва махсус ишчи кийимлари, этак, автоёпқичлар сингари тикув маҳсулотлари, бўз, пахтайўлак гиламчаси, дока каби тўқув маҳсулотлари, шунингдек, халқ истеъмоли молларидан сочиқ, арқон, пластмасса маҳсулотлари, шиша идишлар учун металл қопқоқлар, хўжалик ва техник чўткалар, босмахона ҳамда канцелярия маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти тасарруфида бўлган корхоналарда ишчиларнинг 50 фоизидан ортиғини кўзи ожиз ногиронлар ташкил этганлиги сабабли солиқ тўлаш ва ҳисоблашнинг умумий тартибига риоя қилинади ҳамда Солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан даромад солиғи, ер солиғи, мулк солиғи ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган.

Аммо ҳали ечимини топмаган муаммоларимиз ҳам бор. Жамиятнинг барча хўжалик юритувчи субъектлари 2005 йилда мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига асосан назорат қилувчи органлар томонидан тўлиқ текширилганига қарамай, бир шикоятга кўра, жамият 2006 йилда яна бир бор тўлиқ текширишдан ўтказилди. Натижада 2 ой вақт беҳуда кетди. Демоқчиманки, мана шундай асоссиз текширишлар ҳам жамият фаолиятига сунъий тўсиқ бўлмоқда.

2004 йилда жамият аъзоларига Янгийўл сиҳатгоҳида дам олиб, ўз саломатликларини тиклашлари учун 90 дона, 2005 йили 110 дона, жорий йилнинг шу кунига қадар эса 120 дона йўлланма имтиёзли нархларда тарқатилди.

Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси билан ҳамкорликда кўзи ожиз ногиронлар учун ҳасса, грифель, ёзув прибори, дафтар, шахмат ва шашка бепул тарқатилди. Кўзи ожиз ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида бир қатор семинарлар ўтказилди.

Айни пайтда корхоналаримизнинг ҳозирги фаолияти йўналишларини сақлаб қолган ҳолда босқичма-босқич тубдан ўзгартириш асосий вазифаларимиздан бири саналади.

**Қобилжон МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқарувининг Фарғона водийси вилоятлари бўйича минтақавий вакили.**

— Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида 13 мингдан зиёдроқ фуқаро Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига аъзо бўлиб улар, 3 та вилоят бошқарувига бириктирилган. Айни дамда 10 дан ортиқ клуб, 20 та кутубхона кўзи ожизлар хизматида, 16 та ўқув ишлаб чиқариш корхонасида эса асосан кўзи ожиз фуқаролар учун ишчи ўринлари яратилган. У ерда меҳнат қилаётганлар эски турдаги маҳсулотлар ўрнига қўл меҳнати билан уддалаш мумкин бўлган харидоргир янги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар.

**Ҳусанбой ҒИЁСОВ,**
**Тошкент чўтка ишлаб чиқариш корхонаси директори, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

– Мен 2001 йилдан буён корхонага раҳбарлик қиламан. Ўша вақтда корхона аҳволи ўта танг вазиятда эди. Шу боис корхона ишчи- хизматчиларини ўз вақтида ойлик маош билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида «Ипотека-банк»нинг Қорасув бўлимидан 40 миллион сўм кредит олинди. Жамиятнинг ўтган пленумида илгари сурилган масала ва қабул қилинган дастурга амал қилган ҳолда иш олиб борилгани боис давлатдан олинган кредитимизни муддатидан олдин 50 миллион сўм қилиб қайтардик. 2006 йилнинг биринчи ярми 12,5 миллион сўм соф фойда билан якунланди. Йиллик режа эса 8 ойда ортиғи билан бажарилди.

*Пленумда ишлаб чиқариш иншоотларини жорий ва капитал таъмирлаш, хомашё таъминоти ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш ҳамда октябрь ойида жамият Марказий бошқаруви томонидан ўтказилиши кўзда тутилган шахмат-шашка мусобақалари баҳсларига тайёргарлик кўриш масалаларига оид фикр ва мулоҳазалар тингланди.*

*Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида барча сингари кўзи ожиз ва жисмоний жиҳатдан имконияти чегараланган фуқаролар ҳам баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар.*

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● **Муносабат**

# АДАШИШМИ ЁКИ ЧАЛҒИТИШ?

## Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Надировнинг Марказий сайлов комиссияси «Ахборотномаси»да чоп этилган мақоласида қайд этилган маълумотнинг туман Оқсоқоллар Кенгашларидан олинган маълумотларга зидлиги ҳақида

Хабарингиз бор, шу йил майиюнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Худди халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ўтказилган сайловларда кузатилгани каби бу сиёсий тадбирда ҳам партиялар ўртасида ўзига хос кураш қизғин кечди. Дарҳақиқат, сиёсий партияларнинг маҳалла сайловларига тобора кучлироқ эътибор қаратаётгани бежиз эмас, албатта.

Маълумки, маҳалла азалдан ўзбек турмуш тарзининг муҳим бўғини бўлиб келган. Унинг жамиятдаги ўрни мустақиллик йилларида янада оширилди. Давлат ҳокимияти бошқаруви ваколатининг бир қисми маҳаллага топширилди. Миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ҳамда тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини ривожлантириш, буни барчага ёйиш, маданий-маърифий ишларни янада жонлантиришга бош қош бўлиш, фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, маҳалла институтини ривожлантириш мақсадида 1992 йили Президентимиз Фармони билан «Маҳалла» жамғармаси ташкил қилинди. Маҳалланинг демократик институт ҳамда ўзини ўзи бошқариш ваколатини кенгайтириш, шу билан бирга фуқаролар фаоллигини ошириш мақсадида ҳар икки ярим йилда маҳалла оқсоқоллиги ва унинг маслаҳатчилигига сайлов тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Илгари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га сайловлар «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига асосан ўтказилган бўлса, 2004 йилга келиб «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги алоҳида қонун қабул қилиниб, бу йилги сайловлар ушбу қонун асосида ўтказилди. Бу ҳам маҳалланинг жамиятимиз ҳаётидаги роли нечоғли баланд эканлигини исботлаб турибди.

Маҳалла — демократия кўзгуси. Инсоннинг қандай эканлигини маҳалла билади. Маҳаллада обрў топсанг, бошқа жойда ҳам эъзозланасан. Шунинг учун кимнинг қанақа эканлиги маҳалладан суриштирилади. Маҳалла аҳли — қўни-қўшни унга ўз холис баҳосини — овозини беради. Яхши бўлса «яхши», ёмон бўлса «ёмон» дейди. Йўқ обрў учун маҳалладан овоз ололмайсан.

Дарҳақиқат, маҳалла оқсоқоллигига ҳам халқ маҳаллада обрўли, одамлар учун куюнадиган, фидойи, қўлидан иш келадиган инсонни сайлайди. Бу йилги сайловлар буни яна бир исботлади. Маҳалла учун қайғурмаган оқсоқол ҳисоботга келганда ер чизиб қолди. Мисол учун 143 та фуқаролик йиғинида маҳалла оқсоқолининг фаолияти маҳалла аҳли томонидан қониқарсиз, деб топилиб, қайта сайланмаган.

Ҳар бир сиёсий партия ўз ғояларини тарғиб қилиш учун шундай улкан имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилиши табиий, албатта. Қолаверса, бу партия аъзосининг маҳалладаги ўрни ва обрўси қанақа эканлигини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раислигига ўтказилган сайловларда сайланган оқсоқолларнинг кўпи Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари эди. Бу йилги сайловларда ҳам халқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларига кўпроқ ишонч билдирди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Аҳмедовнинг берган маълумотига кўра, мамлакатимиздаги 9941 та фуқаролар йиғинининг 3713 тасида маҳалла аҳли ЎзХДП аъзоларига овоз беришган. Бу сиёсий партиялар орасида етакчиликни ташкил қилиб, умумий оқсоқолларнинг 37,3 фоизи демакдир. Масалан, юқоридаги маълумотга кўра, оқсоқолликка сайланганларнинг 24,1 фоизини ЎзЛиДеП, 2,4 фоизини «Фидокорлар» Миллий демократик партияси, 1,1 фоизини «Адолат» социал демократик партияси, 0,9 фоизини «Миллий тикланиш» партияси аъзолари ҳамда 34,2 фоизини эса партиясизлар ташкил қиладилар.

Бизнинг кузатишимизча, Тошкент шаҳрида ҳам оқсоқолликка сайланганларнинг кўпчилиги ХДП аъзолари эди. Лекин яқинда Марказий сайлов комиссияси ахборотномасида чоп этилган Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Надировнинг «Оқсоқоллар сайлови демократиянинг ҳақиқий кўриниши» сарлавҳали мақоласидаги рақамларни кўриб, ҳайрон қолдик. Унда ёзилишича, пойтахт бўйича маҳалла оқсоқоллигига ЎзЛиДеПдан 31,9 фоиз, ЎзХДПдан эса 26,6 фоиз партия аъзолари сайланган.

ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар Кенгаши ва таҳририятдаги маълумотларга кўра, пойтахтдаги фуқаролар йиғини оқсоқоллигига ўтказилган сайловда ҳам сайланган ХДП аъзолари бошқа партияларга қараганда сезиларли равишда кўп эди. Биз адашдикми ёки Р. Надиров адашдимикин?

Бу муҳим масалага аниқлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳридаги барча туманлар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисларига сўровнома юбордик.

Сўровнома натижалари эса шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши раисининг мақоласидаги рақамлар ҳақиқатан эътирозли эканлигини кўрсатди. Туман оқсоқоллар кенгаши раисларининг маълумотларига таянадиган бўлсак, шаҳардаги 474 оқсоқолнинг **160 нафари Халқ демократик партияси аъзоларидан сайланган. ЎзЛиДеП аъзолари эса 82 нафар. Фоизларда ҳисоблаганимизда бу оқсоқолларнинг 32,4 фоизи ЎзХДП, 17,7 фоизи эса ЎзЛиДеП аъзолари деганидир.**

Бу натижалар жаноб Надиров келтирган рақамларга мутлақо тўғри келмайди. Нега бундай бўлди? Бир партиядан сайланган оқсоқоллар сонини пасайтириш ёки иккинчисини кўпайтириб кўрсатиш шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши раисига нега керак бўлиб қолди экан? Бу адашишми ёки атайлаб қилинганми?

Кимсан Оқсоқоллар Кенгаши раиси матбуот орқали асоссиз маълумотлар тарқатса буни қандай тушуниш керак?

Ҳар нима бўлганда ҳам сохтакорлик ёмон. Ёлғон маълумот бериш — бу одамларни алдаш, ҳақиқатни яшириш ҳисобланади. Ҳар на бўлганда ҳам эътиқодли инсон ҳақиқат юзига парда тортмайди.

Бу хатти-ҳаракатдан мақсад нима? Кимгадир яхши кўринишми? Сохта обрўга интилишми? Бизнингча, бундай сиёсий, принципиал масалада масъулиятсизлик ҳам, ўйин ҳам кетмайди? Жамоатчиликни чалғитиш, сохта обрў кетидан қувиш ҳеч қачон ҳеч кимга, жумладан жамиятга ҳам фойда келтирмаган.

Одам адашса, беш-ўн кишига янглишиш мумкин. Лекин бу қадар катта фарқ билан адашиш кишида шубҳа уйғотиши табиий. Хуллас, бу адашишми ёки чалғитиш?

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Спорт

# МЎЛЖАЛДА — XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

**Шу йил 1-15 декабрь кунлари Доха (Қатар)да ўтадиган XV Осиё ўйинларига спортчиларимиз жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Қитъамизнинг энг нуфузли ушбу мусобақасида бадиий гимнастика бўйича Ватанимиз шарафини кимлар ҳимоя қилади? Қизларимиз қандай тайёргарлик кўришмоқда? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерацияси бош котиби ва мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Зарина АБДУЛЛАЕВА билан суҳбатлашдик.**



— Пусан (Жанубий Корея)да уюштирилган XIV Осиё ўйинларида қизларимиз умумжамоа ҳисобида бешинчи ўрин билан кифояланишганди, — дейди Зарина Аъзамовна. — Ўтган тўрт йил мамлакатимиз бадиий гимнастикачиларининг тажриба ва маҳоратларини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Юртбошимизнинг ғамхўрликлари туфайли қисқа фурсатда шаҳар ҳамда қишлоқларимизда янги-янги нафис спорт турига ихтисослашган иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жойларда бадиий гимнастика билан шуғулланувчилар сони олти минг нафарга етди. Айниқса, пойтахтимизда Гран-при туркумидаги «Шарқ гўзали» халқаро турнирининг ўтказила бошлаганлиги ушбу спорт турига бўлган қизиқишни янада ошириб юборди. Ўз навбатида қизларимизнинг халқаро майдонда эришаётган ютуқлари салмоғи ҳам ортди.

**— Спортчиларимиз жорий йилда қандай мусобақаларда иштирок этишди?**

— Йил бошидан бери Москва (Россия), Минск (Белорусь), Халон (Исроил)да уюштирилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирларда қатнашдик. Ҳиндистоннинг Сурат шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида бадиий гимнастикачиларимиз умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади. 6-11 сентябрь кунлари Портимао (Португалия)да ўтказилган Жаҳон кубоги баҳслари қизларимиз учун алоҳида тажриба мактаби вазифасини ўтади. Дунёнинг йигирма беш мамлакати вакиллари қатнашган ушбу нуфузли мусобақада мен ҳакам сифатида иштирок этган бўлсам, умидли гимнастикачиларимиз Зарина Муҳиддинова, Жамила Раҳматовалар кучли ўнликдан жой олишди. Шунингдек, Самарқандда мамлакат биринчилиги, Қаршида «Умид ниҳоллари», Тошкентда Ўзбекистон чемпионати юксак савияда ташкил этилиб, қизларимиз иқтидори яна бир карра синовдан ўтказилди.

**— Дохада бўладиган XV Осиё ўйинларига тайёргарлик қандай кетаяпти?**

— Айни пайтда терма жамоага номзодлар пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида ташкил этилаётган ўқув-йиғин машғулотларида фаол қатнашишмоқда. Мутахассислар Осиё ўйинларида Зарина Муҳиддинова, Жамила Раҳматова, Олеся Ашаевалар юқори натижалар қайд этишига ишонч билдиришяпти. 22-25 сентябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтади. Юртимиз нафосат маликаларидан ташқари Қозоғистон спортчилари ҳам қатнашиши кутилаётган ушбу мусобақа бошқа номзодлар иқтидорини яна бир бор кузатиш имконини беради. Ўйлайманки, қизларимиз Дохада фақат совринли ўринлар учун майдонга чиқишади. Бунинг учун гимнастикачиларимизнинг кучи ҳам, маҳорати ҳам етади.

**Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.**

● 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

# «СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» — САЛОМАТЛИК САРОЙИ

Дунёда сиҳатгоҳ, санатория, курорт кўп. Ҳаммаси ҳам ўзига хос қадрли. Аммо «Ситораи Моҳи Хосса»га тенг келадиганини кам десак муболаға бўлмайди. Чунки, бальнеологик — иқлимий курорт ҳисобланган шу каби сиҳатгоҳлар мамлакатимизда саноқли.

Ўтган асрнинг бошларида Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари ёзги сарой қуриш учун жой танлашда олиму фузалолар, юртнинг қарияларидан фикр сўрашган экан. Шунда бир кекса киши Бухоронинг ўн икки дарвозасига биттадан сўйилган қўй гўштини осишни ва орадан бир кун ўтгач, ана шу гўштларнинг қайси бири ҳидланмаган бўлса, ўша жойда сарой қуриш лозим деган фикрни ўртага ташлаган экан. Шаҳарнинг Самарқанд дарвозасига осилган қўй гўшти бузилмагани боис бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Ҳозир ана шу ёзги саройнинг ёнгинасида «Ситораи Моҳи Хосса» санаторияси қад ростлаб турибди.

— Билингки, қаерда ҳаво намлиги кам бўлса — ўша ерда саломатлик боқийлиги кузатилади, — дейди санатория бош шифокори Абдулла Ҳакимов. — Бу ерда намлик 24 фоиздан ошмайди. Шунинг учун мазкур маскан табиати бошқача, баҳаво, дилинг яйрайди. Бунинг устига 1580 метр чуқурликдан, 48 даража иссиқликда отилиб чиқаётган сульфат-хлорид ва натрийли шифобахш сувни айтмайсизми? Унинг таркибида 3,7 фоиз минерал моддалар бўлиб, улар танадаги шишларни йўқотиб, оғриқларни босади. Ички тана органларини шамоллашдан сақлайди.

Илмий курорт мақомига эга бўлган бу сиҳатгоҳ асосан мустақиллик йилларида жаннатмакон гўшага айланди. Бир пайтлар чиқиндиларга тўлиб-тошган 10 гектарлик шўрхок майдонни кўрганлар шу ерда ҳам санатория боғи бўладими, дея кулишганди. Аммо, инсон қўли гул, у жазм этса ҳамма ишни уддалайди. Санатория жамоаси бу ерни обод этди, ўн минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Бухоро ерига мос узум навларидан ишкомлар яратилди, гулзор бунёд этилди. Ахир, гулзор бор жойда ҳаво тоза бўлади, булбул хониш қилади. Қатор қилиб қўйилган сўриларда дам олувчилар мириқишини кўрган киши яна бир бор бу ерда бўлсам дейди. Моҳи хоссаликлар бу ерни бежиз Бухоронинг саломатлик саройи дейишмайди.

Санаторияда асосан буйрак қуриши касаллигига чалинган беморлар даволанади. Шу билан бирга ошқозон-ичак хасталиги билан оғриган беморлар ҳам бу ердан шифо топаяптилар. Сабаби сиҳатгоҳда 43 хилдаги муолажадан фойдаланилади. Шунингдек, 10 нафар малакали шифокор, 40 нафарга яқин ўз ишининг устаси саналган ҳамширалар ҳар бир даволанувчига алоҳида ғамхўрлик, эътиборда бўлишаётгани ҳам катта самара бермоқда. Сиҳатгоҳ энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 24 миллион сўмга харид қилинган «Мустанг» адроген ускунаси, Германия, Англия ва Россия қўшма корхонасида тайёрланган «Саномед-400» УЗИ аппарати шулар жумласидандир. Бундан ташқари ҳозир санаториянинг иккинчи биносида реконструкция ишлари олиб борилаяпти. Бунинг учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси 700 миллион сўм маблағ ажратди. Ҳозиргача йилига санаторияда 1500-1600 киши даволанаётган бўлса, реконструкция ишлари ниҳоясига етгач, бу миқдор яна 1000-1200 кишига кўпаяди.

Дарвоқе, санаторияда даволанувчилар орасида ҳамдўстлик мамлакатларидан келганлар ҳам талайгина.

— Бундан 13 йил аввал қизим Александра буйрак қуриши хасталигига дучор бўлганди, — дея ҳикоя қилади нижний новгородлик Светлана Казанцева. — Маманаман деган дўхтирлар уни даволай олишмади. «Ситораи Моҳи Хосса» санаторияси дарагини эшитиб, Бухорога келдим, 3-4 ёз мавсумини қизим шу сиҳатгоҳда ўтказгач, бутунлай соғайиб кетди. Бунда шифокорлар кўрсатмаси билан қизим қуёш нури, маъданли сув ванналари, турли физиотерапевтик муолажалар олди, парҳез тутди, замонавий дори-дармонлар ҳам иш берди. Ҳозир у 16 ёшда, кўз тегмасин, ҳеч ким уни оғир дардга чалиниб, озор чеккан демайди, шифокорлардан миннатдормиз.

— Мамлакатимизнинг кўпгина сиҳатгоҳларида дам олганман, — дейди муборакли отахон Йўлдош Эргашев. — Аммо ростини айтсам мен «Ситораи Моҳи Хосса»дан даво топдим.

— Инсоннинг юраги тоза, бағри кенг бўлса, у шунчалик соғ-саломат бўлади, — дейди Абдулла Ҳакимов. — Жаннат бизнинг юртимизда, уни янада обод этсак, кўз қорачиғидек асрасак, соғлиғимизга, умримизга фойда.

«Ситораи Моҳи Хосса» — Бухоронинг саломатлик саройи. У йилнинг ҳамма фаслида ҳам дардингизга дармон бўлади, кайфиятингиз кўтарилиб, руҳингиз қушдай енгил тортади.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# «НАСАФ»НИНГ МАҒЛУБИЯТСИЗ ОДИМИ

Яна олти турдан сўнг, футбол бўйича олий лига жамоалари мамлакат XV миллий чемпионати баҳсларини якунлашади. Мавсум охирлагани сайин учрашувлар қизғин ва муросасиз тус олмоқда.

Ўз тарихида илк маротаба Ўзбекистон чемпионати кумуш медалини қўлга киритишга жуда яқин турган Қаршининг «Насаф» жамоаси 24-турда ҳам ғалаба нашидасини сурди. Тошкентда пойтахт темирйўлчиларига қарши майдонга чиққан қаршиликлар рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди. Тўпларнинг ҳар иккаласини ҳам ҳужумчи Зафар Холмуродов ўз ҳисобига ёзиб қўйди. Ўн уч турдан бери мағлубият нималигини билмаётган «Насаф» жамоаси ушбу ғалабадан сўнг, ўз ҳисобидаги очколари сонини 55 тага етказиб олди. Қаршиликларнинг асосий таъқибчиси «Нефтчи» (Фарғона) ҳисобида 52 та очко бор. Фарғоналиклар охирги турда «Бухоро»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Чемпионат пешқадами Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса Жиззахда «Сўғдиёна» футболчилари меҳмони бўлди. Ниҳоятда кескин ва муросасиз кечган ушбу ўйиннинг асосий вақтида меҳмонлар Уче Ихероуме киритган тўп эвазига 1:0 ҳисобида олдинда боришганди. Қўшиб берилган уч дақиқада ҳужумкорликни оширган пахтакорчилар рақиб дарвозасига яна икки тўп йўллаб, Жиззахдан йирик ҳисобдаги ғалаба билан қайтишди — 0:3.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

**«Тўпаланг» — «Қизилқум» — 1:3, «Шўртан» — «Андижон» — 3:1, «Трактор» — «Хоразм» — 1:0, «Металлург» — «Машъал» — 1:2, «Самарқанд-Д» — «Навбаҳор-Н» — 2:0.**

25-тур учрашувлари 23-25 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

# КЛИЧКО НОКАУТ ҚИЛМОҚЧИ

Ўта оғир вазнли боксчи, IBF йўналишидаги жаҳон чемпиони Владимир Кличко 11 ноябрь куни биринчи марта ўз унвонини ҳимоя қилиш учун америкалик Келвин Брокка қарши жанг қилиши керак.

Маълум бўлишича, у 1 октябрдан бошлаб жангга шайланар экан. Кличконинг бирдан бир нияти жангни чўзмасдан нокаутли зарба билан якунлашдан иборат. Владимир худди Семюэл Питер билан учрашиш олдидан жангга тайёргарлик кўргани каби Нью-Йорк штатидаги тоғлар орасида жойлашган Поконос манзилгоҳида ҳозирлик кўришни мўлжалламоқда. «Кейинги ой бошидан мен машғулотлар ўтказиш лагерига йўл оламан, — дейди Владимир. — Брок билан Мэдисон Сквер Гарден саройида ўтказиладиган жангга ошиқиб турибман. Ўйлайманки, бу жанг узоқ чўзилмайди. Имконият бўлиши билан учрашувни тезроқ якунлашга ҳаракат қиламан». Брок эса: «Менда ҳозирча йигирма тўққиз ғалаба бор, ўттизинчиси ҳам бўлади», демоқда.


## «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» МЧЖ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 1 ноябрдаги 10-0420/7254-сонли иш бўйича ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган **«Aloqa Vista» МЧЖ қўшма корхонасига** қарашли Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жайхун кўчаси, 2-уйда жойлашган бино, иншоот ва асбоб-ускуналари мулкий мажмуаси бўйича очиқ оферта эълон қилинади.

***Бошланғич баҳоси — 715 795 572 сўм.***

Очиқ офертада ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

*Энг юқори нархни таклиф этган шахс билан олди-сотди шартномаси тузилади.*

**Аризалар оферта эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**«Aloqa Vista» МЧЖ қўшма корхонаси; инд: 700000, Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 19-уй.**

**Телефонлар: (99871) 150-09-13, 150-15-00, факс: 150-01-12.**

***«Kimoshdi savdolari agentligi» МЧЖ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй, республика Кўмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона, телефон: (99871) 399-80-23.***

**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

*Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси*

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узун тумани, «А.Темур» ширкат хўжалигидаги 720 ўқувчи ўринли «Педагогика» касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.

***Иншоотнинг бошланғич нархи — 2339,9 млн. сўм.***

**Қурилиш муддати — 495 кун.**

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.***

***Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефон: 2-49-71.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Даврахитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

**Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

***Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:***

**Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан

## ХАЛҚ БАНКИ

*мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳамюртларимизга янги* **«ТАДБИР»** *— жамғарилувчи омонат турини*

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**



Омонат турига пул маблағлари **3 ОЙ** муддатга, қўшимча бадал қабул қилиш ва йиллик **24 ФОИЗ** миқдорида даромад тўлаш шарти билан камида **20 000** сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

***Оилангиз банки томонидан яратилаётган имконият ва қулайликлардан фойдаланинг!***


Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2006 йилда Елена Азимова номига берилган К №542090-сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Кенгаши партия фаоли, туман кенгаши депутати, Чиноз тумани ҳокими

**Бозорхўжа ЭШОНОВ**нинг

бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзР ФА Физиология ва биофизика институти жамоаси директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, лаборатория мудири, биология фанлари доктори Музаффар Исломович Асраровга акаси

**Исроилхон АСРАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**

**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**

**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Bobir ALIMOV**
**Turobjon JO`RAYEV**
**Feruz NAZIROV**
**Ulug`bek MUSTAFOYEV**
**Baxtiyor DO`SJONOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**Akbar JONUZOQOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**

**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Bardambek SA`DULLAYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 1150
*7474 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 20.45
Topshirish vaqti — 21.45
**2 3 4 5 6**
**Sotuvda erkin narxda**